



# АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган 1999 йил, 26 март, № 11 (204) Жума кунлари чиқади Сотувда эркин нархда

• **Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир**

## ВАТАН ВА БУРЧ

• **Хўш, нечун севаман Ўзбекистонни?**  
 • **Сабобини айтган десалар менга,**  
 • **Шоирона, гўзал сўзлардан олдин**  
 • **Мен таъзим қиламан она халқимга.**



Дарҳақиқат, шундай. Ватан ва халқ бу бир-биридан ажратиб бўлмайдиган суякли буюклик. Менинг тасаввуримда «Мен — Ватан, Ватан эса — Мен.» Буни кенгроқ маънода олсак, «Ватан — халқ, халқ — Ватан» дир. Яъни:

**Мен Ватандан пайдо бўлдим, Демак, мен ҳам Ватанман. Охир Ватан тупроғига, Қўшилувчи бир танман!**

Ҳар бир инсон ўз Ватанининг бир бўлаги, унинг Оллоҳ таоло кудрати билан ҳосил бўлган жонли кўринишидир. Ватан тупроғи эса ота-боболаримиз, оналаримизга оғирлигимиз, ака-укаларимиз ҳоқидир. Бас, шундай экан, Ватанини улуғлаш, уни асраб-авайлаш қадрини билган ҳар бир инсоннинг азиз ва муқаддас бурчидир. Балки шу боисдан бўлса керакки, жаноб пайгамбаримиз (с.а.в.) ҳам Ватан мудоафаси учун булаётган жангдан қочмоқликни «Халокатга олиб борувчи етти хил гуноҳдан бири» деб, ундан сақланишни, авлодларнинг покиза жисми йўрилган Ватан тупроғини боқинчиларнинг оёқ-ости қилиши, топталишдан асрашни буюрганлар.

Биз эътиқод қилган Исломи динида Ватанга, эл-улусга садоқат тушунчаси жуда улуғланади. «Ватанини севоқ иймондан дин» деган ҳикмат аҳли ислом учун доимо азиз. Бас шундай экан, бу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон азиз она-Ватанимиз — Ўзбекистон олдидидаги фуқаролик бурчларини яхши англаб олмоғи лозим. Катта ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиш билан бирга зимманимизда шу қадар юксак бурч ва мажбуриятлар борлигини ҳам унутмаслигимиз даркор. Мухтарам Йулбошчимиз айтганларидек, «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак». «Шу давлат, шу жамият менга нима берди?» дегинча эмас, балки «Мен узим Ватанимга, элимга нима бердим?» деб ҳам уйламоғимиз шарт ва шунга мувофиқ тарзда ҳаёт кечиримиз зарур.

Айниқса, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун бор имкониятларимизни ишга солишни ҳаёт тақозо этаётган шу кунларда бу муҳим. Негаки истиқлол халқимизга берган бахт-саодатнинг ҳад-ҳудуди йўқ. Зеро, шу Буюк истиқлол тўғрисида миллий қадриятларимиз, динимиз қайта тикланмоқда.

Эндилкида биз ана шу имкониятлардан тула-тўқис фойдаланиш учун Йулбошчимизнинг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» деган сўзларини дастурийлаш қилиб, ҳалол ва пок, меҳнатсевар, қомил инсонлар бўлишимиз, қадриятларимизни тиклашимиз, Широқ, Тумарис каби қадимий авлодларимиз сингари ватанпарварлик, халқпарварлик фазилатларимизни амалда намойиш қилишимиз, дилимизда миллий гурур ва ифтихор туйғуларини жўш урдиршимиз керак.

• **Йўқ керакмас, кўйинг, керакмас, Менга ором истаман дўстлар.**  
 • **Хилват соз деб кистаман дўстлар.**  
 • **Кўйинг, бундай ором керакмас.**  
 • **Ногаҳонда хайлга ботсам,**  
 • **Ё уқласам, уйготинг дарров.**  
 • **Номим тугиб, сўз котинг дарров.**  
 • **Бехудага бир ёққа борсам,**  
 • **Қўлларимдан ушлаб ўша дам,**  
 • **Курашларнинг сафига кўшинг,**  
 • **Кур, ярат денг, хайкир денг, жўш денг,**  
 • **Шундай яшар одатда одам.**

Ҳозирги масъулиятли дамларимиз ҳар биримиздан «Ватан», «Истиқлол» деб ҳайқаришни, бу икки кудратли сўзнинг маъносини англаб, унинг маълумоти учун қайғуришимизни талаб этади. Шу уринда Йулбошчимизнинг шахсий ибратларига эътиборни қаратишимиз аини муддаодир. Президентимиз «Мен шу она халқим учун, унинг истиқлоли учун жонимни тиканман» деб, шунга яраша тиним билмай меҳнат қилмоқдалар.

Ватанимиз бамисоли халқимизнинг хонадон. Халқимиз эса гўё бир оила. Йулбошчимиз шу хонадон аъзоларининг отаси. Отага суиқасд қилганлар падарқуш-оқпадар бўлади. Оқпадарнинг эса у дунёю бу дунё ҳосаси оқармайди, жаннат юзини кўрмайди.

Буни қарангки, айрим дин ниқоби остида иш юритувчи қотилу қаллоблар, чет элларда ватангадо бўлиб, қочиб юрган галамислар бугунги кунга келиб бирлашмоқдалар. Ҳа, уларни юртимиздаги беқис юксалишлар, мустақиллигимизнинг мустаҳкамланганлиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти ва улғувор ишларга бош бўлиб турган Йулбошчимизнинг халқаро миқёсда обрў-эътибори ошиб бораётгани, айниқса, халқимиз меҳри-муҳаббатига сазовор бўлаётгани даргазаб қилмоқда. Қўролмаслик дарди қийнамоқда, қутиртирмоқда уларни. 16 февраль воқеалари уларнинг башарасини бутун жаҳон аҳлига очиб берди!

Бу шум ниятларни бемалол қабоҳат уяси, разиллик манбан дейиш мумкин. Аммо улар қанча чиранишимасин, барибир тарих гилдирақларини орта юргизолмайдилар. Халқимиз ўз Йулбошчиси атрофига бирилади, янада шайхдам қадамлар билан мустақиллик йўлидан, Буюк давлат қурилиши сари олға бораверади. Буни мажозий қилиб айтадиган бўлсак, ит хураверади, қарвон эса утаверади!


Қундан кунга улагини чуқурроқ англаб бораётган халқимиз ҳеч қачон ташаббусни ўзгалар қўлига бериб қўймайди. Ҳа келажакга ишонган ҳолда бутун салоҳиятини намойиш қилиб, қомил ишонч билан шонли Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажакни яратди. Бу улғувор ишларга, шубҳасиз, халқимизнинг ўзи сайлаб олган доно ва зўкко Президентимиз Йулбошчилик қилаверади.

Мурод КАЛОҲОН.

## ҚУВОНЧ КАМАЛАГИ

Эсингизда бўлса, муҳтарам Юртбошимиз Исро Абдуганиевич Каримов «Наврўз халқимизнинг энг қадимги, энг миллий, энг сеvimли байрамидир...» дея гўзал ва ҳаққоний таъриф берган эди. Бу таърифга изоҳ беришнинг ўзи ортиқча. Чиндан ҳам Наврўзимиз — беназир, қувончларнинг камалак рангларига бой айём! Илло, Наврўз — Йилбоши, гуллаб-гуркираш фасли — Баҳорнинг Шоҳона дамларидир.

Энг қадимийлиги шундаки, Наврўз Шарқ халқлари ҳаётига уйғун ҳолда бир неча минг йиллардан бунён яшаб келмоқда. Неки эзгу удум ва қадриятларимиз бўлса, ҳамма-ҳаммаси — шу айёмнинг баҳорий тимсолида намойиш бўлади. Наврўзимиз энг сеvimли эканлиги ўз-ўзидан барча-барчага беш панжадай айён. Узингиз айтинг-чи, Наврўз чиндан ҳам сеvimли байрам эмасми, а?!



Мана, бу суратта бир нигоҳ ташланг! Нуруний чехраларнинг ёшлик ва гўзаллик рамзи — баҳор билан юзма-юз туришгани — ўзи бир ҳикмат. Зеро, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар-чи? Улар Наврўз айёми кунларида — илло, ёрғун ният қилайлик: «Илоё, юртимиз тинч, элимиз осойишта, кунларимиз бундан-да дориломон булавемиз! Кексаларимизга пиру-бадавлат яшаш бахти ҳамиша насиб этсин! Оиласи, хонадони, фарзандлари ва шунинг баробарида Мустақил Ўзбекистонимиз бахтига юртимизнинг кексаю ёши доимо омон бўлсин! Йулбошчимиз Исро Каримовнинг мана бу нияти —

ҳаммамизнинг тилимиздаги ва дилимиздаги туйғуларни ифодалайди, деб уйлайман: «ЭНГ КАТТА ОР-ЗУИМ — МЕНГА ИШОНГАН ОДАМЛАРНИНГ ОМОНЛИГИ», ЮРТИМНИНГ ТИНЧЛИГИ!» О, азизлар, яхши ниятга нима етсин! Абдулла ТУРДИЕВ.

## Савоб ишни ҳар ким ҳар кун қилиши керак

### ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

**Пойтахт шаҳри ва вилоятидаги Меҳрибонлик уйларида тарбияланган иқтидорли болалар томонидан чизилган расмларнинг хайрия кўргазмаси бўлиб ўтди. Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Факултета ва Мухтор элчиси, доктор Мамдух Шавқийнинг бевосита ташаббуси билан Наврўз байрами кунлари ўтказилган бу тадбирда юздан ортиқ болалар ўз ижод намуналарини намойиш этдилар.**

Женя Солиҳов чизган расм бош соврин — магнитофонга сазовор бўлди. Ҳа ижод намуналари билан қатнашган Каромат Баратова билан Эртол Аримбековларга иккинчи ва учинчи уринлар насиб қилди ва тегишли мукофотни оlishди. Шу билан бирга яна ўттиз бола калкуляторли папка, телеуяничқоч, соат сингари эsdлик совғалари билан тақдирландилар. Совғаларни Мисрнинг Ўзбекистондаги Факултета ва Мухтор элчиси, доктор Мамдух Шавқий жанобларининг ўзи тарқатди.

Миср элчихонасининг Фан ва таълим маркази ҳам кўргазма-танловда иштирок этган барча болаларга эsdлик совғалари билан мактوب ёрликларини топширди.

Кўргазманинг очилишида ҳозир бўлганлар «Сўғдиёна» дастаси ижро этган ўзбекча ва арабча кўй, кўшиқлардан баҳраманд бўдилар. Шунингдек, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари тайерлаб

келган концертни зўр қизиқиш билан томоша қилдилар.

Кўргазма давомида Мисрнинг Ўзбекистондаги Факултета ва Мухтор элчиси, доктор Мамдух Шавқий элчихонасини билан бир қаторда республикамизда фаолият курси таъсис қилган арабистони, Иордания, Фаластин, Жазири элчихоналари ходимлари Меҳрибонлик уйларида тарбияланган болаларга моддий ёрдам курсатиш мақсадида муайян миқдорда маблағ ажратганликларини эълон қилдилар. Элчи жаноблари бошқаларни ҳам ана шундай хайрия ишлари қилишга, шу тарихда бугун дастлабки ижод намуналари кўргазмага қўйилган иқтидорли ёшлар келажакда етук мутахассис бўлиб етишига муносиви ҳисса қўшишга қақирди ҳамда Миср элчихонаси ташаббуси билан ана шундай болаларга моддий ёрдам курсатиш махсус жамғармаси ташкил этилган, унга Миср Фан ва таълим маркази директори, доктор Самий Ҳаммад бошчилик қилишнинг маълум қилди.

### ЯНГИ ЎҚУВ МАРКАЗИ

**Бу йилги Наврўз байрами Самарқанд Давлат чет тиллар институти аҳли, айниқса, араб тилини ўрганаётган талабаликлар учун қўшалок курсантчилик ато этди. Айём арафасида Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси олий билимгоҳга араб тилини замонавий талаблар асосида ўқитишнинг тўла имконини берадиган махсус ўқув марказини совға қилди.**

Энг янги аудио ва видео ўқув воситалари, араб тилида ишлайдиган компьютер мажмуаси, Миср ва бошқа араб мамлакатлари телекурсатувлари билан бемалол қабул қилиб, ўқувчиларга курсата оладиган табқосимон антенна ҳамда унга керакли бошқа асбоб-ускуналар билан тўла жиҳозланган бу марказда ўқув материаллари ёзилган аудио ва видео тасмалари ҳам мавжуд. Миср элчихонасининг Матбуот шўъбаси марказга араб, инглиз, француз ва рус тилларида чоп этилган ва Миср халқининг тарихи, маданияти, турли соҳаларда қўлга киритган ва киритавган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилувчи бир қанча адабиётларни инъом этди.

Марказнинг тантанали очилиш маросимида Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Факултета ва Мухтор элчиси, доктор Мамдух Шавқий,

элчихонанинг маданий ишлар бўйича маслаҳатчиси, доктор Самий Ҳаммад, элчихонанинг оммавий ахборот воситалари бўйича маслаҳатчиси Раъфат Ас-Сабъа, интитут, шаҳар ва вилоят раҳбарият вакиллари иштирок этдилар.

Миср элчихонасининг оммавий ахборот воситалари шўъбаси раиси Раъфат Ас-Сабъа Самарқанд телевидениесинида бўлиб, унинг масъуллари билан Миср Араб Республикаси телевидениесини ва Самарқанд телевидениесини уртасида узаро ҳамкорлик урнатилиши, икки телевидение орасида курсатув ва ижодий ходимлар алмашинувини йўлга қўйиш ҳақида маслаҳатлашиб олди.

Муҳаддас АЛИҚУЛОВА.

## ЮРТБОШИ ЎГИТЛАРИ

• **Исломи дини — бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам айём, ҳам ахлоқ, ҳам дённат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. У қуруқ ақидалар йиғиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладилар ва яхши ўғитларга амал қиладилар. Меҳр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эътиром тушунчаларига рияоз этишга ҳаракат қиладилар.**

• **Дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Дин бу дунёнинг ўткинчи эканлигини, охириятли эслатиб туради, одам боласини ҳушёр бўлишга, ҳаром йўллардан узоқ юришга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундаб туради.**

• **Савоб ва хайрия деган муқаддас тушунчалар жуда кенг. Бозору мазорларни обод қилиш, бева-бечораларга, муҳтож инсонларга, оилаларга, болалар ва порасидаларга муруват курсатиш ҳам мусулмончилик талабларига кирди. Буни асло унутмаслигимиз керак.**

## ҚУРБОН ҲАЙИТИ МУБОРАК!

**Ҳайит — меҳру муруват, ахлоқу одоб, қувонч-руви, кўнглига бахтиёрлик ҳиссиётини берувчи шодийна кундир. Бу кунда бажо этакдиган ҳар бир савоб иш ўзгача шарафлидир. Ота-оналарни, кексаларни, узоқ-яқиндаги қариқдош-уруғлар, кўнликўшиллар, устозлар, ёру дўстлар, гарибларни зиёрат қилиш, кўнглини олиш жоиздир. Ҳайит билан кутлаш, муборақбод этиш, ҳайру эҳсонлар қилиш дилларга чин завқ бахш этади.**



ликка буркангандай бўлади. Курби етган кишилар Аллоҳнинг ризолигини истаб, берган неъматларига шукрона тарзида қурбонлик қиладилар. Энг асосийси, мусулмон биродарларимиздан Аллоҳ муяссар этганлари Маккаи Мукаррамада энг улуг ибодатни адо қилмоқдалар. Каъба, Арофат, Муздалифа ва Минода Аллоҳнинг ишқи ва Расулуллоҳнинг (с.а.в.) севгиси ила ёнмоқдалар. Ҳадемай, муқаддас қадамжоларнинг руҳини, улуг ибодатнинг кайфиятини юртимизга олиб келадилар.

Аллоҳ таолога беадаб шукрлар бўлсинки, бу йилги Қубон ҳайити кунларини кўрмоқ, бу улуг, муътабар кундаги ибодатларни бажармоқ ҳаммамизга насиб этмоқда...

Ҳайитнинг биринчи кунини ярим тундагон масжидлар сари йўл оламиз. Ҳайит намозини тантана билан адо этамиз. Юртимизда тинчлик, омонлик бўлишини, хонадонларимизга фойиз-баракот киришини, уртамиздан меҳр-муруват, оқибат кутарилмаслигини истаб дуога қўл қутарамиз.

Азиз юртдошлар, тарабруқ отахонлар, меҳри даррўр онахонлар, оқибатли ака-сингиллар, азиз биродарлар, ҳайит айёмингиз кутлуг бўлсин!

## ЁДИНДА ТИЛ

- Эй азиз инсон, Худони доимо ёдингда тут, Еру кўкка подшоини доимо ёдингда тут.
- Икки қотибким, фаришта ҳамроҳингдир ҳар маҳал, Қилганинг саҳву хатони доимо ёдингда тут.
- Ул Каломуллоҳ тун-кун ўқиб, бил маъносин, Тун-кун раҳнамони доимо ёдингда тут.
- Неча юз минг анбиёлар ўтди, онлар сарвари, Ул Мухаммад Мустафони доимо ёдингда тут.
- Рўзи маҳшарда Худо ҳар ким билан қилгай ҳисоб, Олғусинг ажру ҳазони доимо ёдингда тут.
- «Улдим-Ҳудим» демаки, қайта тирилмоқ бор эрур, Жаннат у дўзах бақони доимо ёдингда тут.
- Ота-онанг шу гўзал дунёга келтирмиш сени, Ҳизмати ота-онани доимо ёдингда тут.
- Бил, ҳаё имондан асли, одамийлик истасанг, Одобу шарму ҳаёни доимо ёдингда тут.
- Сев Ватани, унга жон этгил фидо даркор дам, Бу шарафли мударрони доимо ёдингда тут.
- Нури имондан агар, Рўстам, жудо бўлмай десанг, Қодир Халик Худони доимо ёдингда тут.

Рўстам Қодирий ХУҚАНДИЙ.



## Бугуннинг гапи СУД ҲОКИМИЯТИ ВА МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ўтган йилнинг баҳорида ҳўжалик суди вакиллари билан журналистлар учрашу-мулоқотини илк бор ташкил этиб, хайри ишга қўл урган эди. Бундай учрашу-нинг навбатдагиси «семинар-муашулотга ўсиб-улгайди ва у «Суд ҳоқимияти ва матбуот эркинлиги» деб номланди.**

Шу йил 24 март кунини булаб утган бу семинар-муашулотни кириш сузи билан Олий ҳўжалик суди раиси Мирзаулугбек Абдусаломов очди. Сўнг Президентнинг

Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев табрик нуқти сузлаб, ҳуқуқий-демократик жамият пойдеворини қураётган бугунги кунимизда маъзур тадбирнинг керакли ва фойдали

жиҳатлари ҳақида гапирди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ахборот тарғибот, тахлил маркази бош консультанти Сафар Осатовнинг маърузаси «Жамиятда ҳуқуқий тарбиянинг қарор топиши ва бунда оммавий ахборот воситаларининг ролига бағишланди. Нотўқ оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқ маъзуидидаги материалларнинг ёритилишидаги ютуқ ва камчиликларга батафсил тухталди, нуқсонларни бартараф қилиш

ва бу маъзуни жамиятимизга янада кўпроқ фойдаси тегадиган даражада саҳифаларга, экранга олиб чиқиш учун нималарга эътибор бериш кераклигига эътиборин қаратди. Олий ҳўжалик суди раиси Мирзаулугбек Абдусаломовнинг «Суд ҳоқимияти ва матбуот эркинлигининг самараларини янада ошириш имкониятлари», «Матбуотни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш» жамгармасининг раиси, «Хуррият» газетасининг Бош муҳаррири,

Олий Мажлис депутаты Хуршид Дўстмухамедовнинг «Ҳуқуқий маъзуидида мақолаларнинг салмоғи, таъсирчанлиги ва куламини», тележурналист Муаттар Асқаровнинг «Ҳуқуқий маъзуининг ёритилишида ТВнинг таъсирини таъриф қилиш», «Ватан» газетаси Бош муҳаррири Ҳабибулло Олимжоновнинг «Суд ҳоқимияти ва матбуот: мақсадидаги муштарак» маъзуларидидаги маърузаларида маъзур масала буйича атрофчиқа фикр-мулоҳазалар юритилди.

Маърузалар юзасидан сузга чиққан «Маънавият» Бош муҳаррирининг Бош муҳаррири Аҳмад Аъзам, Ўзбекистон Конституциявий суди раисининг уринбосари Бахтиёр Мирбобоев, Тошкент шаҳар Миробод туман судининг раиси Екутхон Ҳайдарова ва бошқаларнинг фикр-мулоҳазалари баъзан бахсларга ҳам айланиб, семинар қатнашчиларида қизиқиш уйғотди ва ҳар икки томон — ҳуқуқшунослар учун ҳам, журналистлар учун ҳам фойдали бўлди.

Сунгра утган йилда ҳуқуқ маъзуидидаги материалларнинг энг яхши ёритган оммавий ахборот воситалари ва журналистларни дипломлар, пул мукофотлари билан тақдирлаш маросими бўлди. Жумладан, «Адолат» газетаси ҳам «Хуқуқ ва бурч» танловининг газета саҳифасида кенг тарғиб этигани учун махсус диплом билан тақдирланди.



Долзарб мавзу

ХУҚУҚБУЗАРЛИККА ҚАРШИ ИШОНЧЛИ ТЎСИҚ

Бухоро вилоят божхона бошқармаси бошлиғи, божхона хизмати полковниги Баҳодир Муқимов билан мулоқот

— Баҳодир Рўзиевич, шу йил 19 февралда республикамиз Президенти Ислам Каримов Қозғоғистон Республикасига кетиш олдидан журналистларга интервью бериб, жумладан мамлакатимизда айрим маҳсулотларнинг нархи ошаётганлигига сабаб уларнинг четга чиқиб кетиши эканлигини таъкидлаб ўтди. Ана шу салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун Бухоро вилоят божхона бошқармаси қандай тадбирларни амалга ошираётми?

— Мен ҳам кўпчилик қатори Президентимизнинг Қозғоғистон Республикасига жўнаб кетишлари олдидан журналистларга берган интервьюларини ҳаяжон билан тингладим. Албатта, одамларнинг пешона тери эвазига етиштирилган ва ишлаб чиқарилган ёки валютага олиб келинган маҳсулотлар аввало шу юрт кишиларининг эҳтиёжини қондириши керак.

Қаҳқатан ҳам сунги пайтларда Республикамизда қўшни бўлган давлатларда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи кескин кутарилаётганидан фойдаланган айрим фуқаролар қўндалик эҳтиёж учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини божхона назоратини четлаб, Республикамиздан олиб чиқиб кетишга уринмоқдалар.

Утган йили вилоят ҳудудлари орқали 11 минг тонна ун ва ун маҳсулотлари, жами 3.476 минг сумлик озиқ-овқат маҳсулотлари чегарада ушлаб қолди.

1998 йилда Республика ташқарисига озиқ-овқат маҳсулотларини гайриқонуний олиб чиқишга уринган 300 дан орტიқ фуқаролар маъмурий жавобгарликка тортилдилар. Божхоначилар фақатгина махсус постларда назоратни қўчайтирибгина қўлмай, турли кичик йўللарда ҳам мунтазам рейдлар ўтказиб туришибди. Яқинда кўча божхона пост ходимлари чўл ва айланма йўللarda рейд ўтказган пайтларда Туркменистон Республикаси фуқаролари 1.900 минг сумлик озиқ-овқат маҳсулотларини гайриқонуний олиб чиқиб кетишганини аниқлаб, маҳсулотларни давлат фойдасига мусодара қилишди.

Республикамиздан қўшни Туркменистон Республикасига кўп миқдорда яхна ичимликларни олиб чиқиб кетишга уриниш ҳоллари ҳам анчагина. Фақатгина утган йилнинг узида 1.700 минг сумлик шундай ичимликларни ноқонуний йўл билан олиб чиқишининг олди олинди. Ҳуқуқбузарларга нисбатан жиноий ишлар кузатилиб, маъмур яхна ичимликлар белгиланган тартибда вилоят аҳолисига сотилди.

— Кўпгина ўзаро суҳбатларда четга чиқиб кетатган маҳсулотларнинг ўндан бири ушлаб қолинади, деган фикр билдирилади. Бу фикрларга муносабатингиз қандай?

— Албатта, божхона ходимлари қанчалик ҳаракат қилишмасин, қўнубузарларнинг барча йўлларига мустаҳкам тўсиқ қўйилган, деб айтолмайман. Биргина Ўзбекистон билан Туркменистон Республикаси уртасидаги давлат чегарасини олсак, унинг узунлиги 371 км.ни ташкил қилади. Шулардан фақатгина учта йўл назорат остига олинган, қолганлари эса кўча божхона постлари томонидан назорат қилинади. Шунинг учун ҳам ҳамма ерда бирдай назоратни ташкил қилиш, чегарамиздан бирор-чи ҳам таъқиқланган нарсаларнинг ўтишига йўл қўймайлик йўлларини излаётимиз.

— Гибҳандлик моддаларини мамлакатимиз ҳудудидан олиб ўтилишига қарши кенг кўлама кураш олиб борилмоқда. Бу борада бажаратган ишларингиз хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Асримиз вабоси бўлган гибҳандликка қарши кураш вилоятимизда алоҳида режа ва тадбирлар асосида амалга оширилади.

— Асримиз вабоси бўлган гибҳандликка қарши кураш вилоятимизда алоҳида режа ва тадбирлар асосида амалга оширилади.

1997 йилда вилоят орқали утайтган

атиғи 5,5 гр. гибҳандлик воситалари ушлаб қўлинган бўлса, 1998 йилда 33 кг.га яқин «героин», «опий», «гашиш», «марижуана» ва «кўкнор» гибҳанд моддаларини олиб ўтиш ҳоллари аниқланди ва жиноятчилар қўлга олинди.

Тахминлар шуни кўрсатадики, гибҳанд моддаларини темир йўл орқали олиб ўтиш ҳоллари кўпаймоқда. 1997 йилда «Бухоро-1» темир йўл бекати орқали 12 та ҳолат аниқланган бўлса, 1998 йилда 17 та ҳолат аниқланган. Жиноятчиларнинг аксарияти Тожикистон республикаси ва Россия федерацияси фуқароларидир.

Утган йилнинг куз ойларига Тожикистон — Ўзбекистон — Россия Федерацияси йўналиши бўйича автомагистралларда (чўл зонасида) Тожикистон фуқароси велосипедда 12 кг. «опий» гибҳандлик моддасини яшириб, Россия давлатига кетатган экан. Божхона ходимлари ички ишлар ходимлари билан бу «саҳҳатчи»нинг йўлига вақтида тўсиқ қўйишга улгуришди.

Бугунги кунда гибҳанд моддаларини аниқлаш бўйича имкониятларимиз ҳам, техникамиз ҳам етарли. Утган йили Америка Қўшма Штатларидан гибҳанд моддаларини аниқлайдиган техника олинди. Шунингдек, автомашиналарни, бошқа илғаш қўйин бўлган жойларни кура оладиган техника ҳам мавжуд. Бундан ташқари ходимларимиз вафодор итлари билан деярли ҳамма постларда сергак туришибди.

— Бухоро вилоят Туркменистон Республикасига чегарадош бўлганлиги божхона ходимлари масъулиятини янада оширади, албатта. Юртимизга кириб келиши мумкин бўлган турли шубҳали шахсларни аниқлаш ва вилоят ҳудудиди бўлишиги муҳаддати бўйича қандай чора-тадбирлар қўрилади?

— Албатта, чегарада бўлгандан кейин ҳар бир ходим у чегарачамни, божхоначимни масъулият ошади. Шу боис, биз ҳам чегара постларига ходимларини таллашда авваламбор уларнинг нафақат билимига, шунингдек, хизматга бўлган муносабатига, ички дунёси, ташқи кўриниши, хуллас ҳамма жиҳатларини тарозига қўйиб кураммиз.

Бир кунда «Олот» божхона назоратини ўтказиш маъмури орқали Туркменистонга ва у ердан Ўзбекистонга 400 га яқин киши ўтди. Буларнинг ҳаммаси божхона куригидан ва паспорт назоратидан ўтказилди. Шунингдек, «Олот» божхона маъмури автотранспортлар учун ҳам асосий ўтиш йўли ҳисобланади.

Ўзбекистонга келадиган, ҳамда Қозғоғистон, Тожикистон, Қирғизистон Республикаларига борадиган юк автомашиналари Олотдан ўтади. Шу боис, баъзида транзит тарзда утиб кетадиган автомашиналардаги фуқаролар 3 кунгача вилоят ёки республика ҳудудига бўлишлари мумкин. Агар шу муддатдан ортиқра бўлишса, уларга нисбатан қўнуний чоралар куриш белгиланган. Бу ишларни амалга ошириш ва ҳамкорликда ишлаш мақсадига «Олот» божхона маъмурида ички ишлар бўлими ходимлари ҳам хизмат олиб борадилар.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда «Олот» божхона маъмурининг муносиб ўрни бор. Буни қалбдан ҳис қилган барча ходимларимиз ўз вазифаларини астойдил бажаришга, шу билан юрт равақига ҳисса қўйишга ҳаракат қилмоқдалар.

«Алот»нинг ўз муҳбири Гулнора САМИЕВА суҳбатлашди.



Каш - каш ўзбек миллий ўйинларидан бири.

ДУШАНБА, 29

Table with TV schedule for Dushanba, 29th March. Includes channels like 'УТВ 1', 'УТВ 2', and 'УТВ 3' with program titles and times.

29 март - 4 апрель

Table with TV schedule for Dushanba, 29th March to April 4th. Includes channels like 'УТВ 1', 'УТВ 2', and 'УТВ 3' with program titles and times.

СЭШАНБА, 30

Table with TV schedule for Dushanba, 30th March. Includes channels like 'УТВ 1', 'УТВ 2', and 'УТВ 3' with program titles and times.

СЭШАНБА, 30

Table with TV schedule for Dushanba, 30th March. Includes channels like 'УТВ 1', 'УТВ 2', and 'УТВ 3' with program titles and times.

ЧОРШАНБА, 31

Table with TV schedule for Dushanba, 31st March. Includes channels like 'УТВ 1', 'УТВ 2', and 'УТВ 3' with program titles and times.

ЧОРШАНБА, 31

Table with TV schedule for Dushanba, 31st March. Includes channels like 'УТВ 1', 'УТВ 2', and 'УТВ 3' with program titles and times.

ПАЙШАНБА, 1

Table with TV schedule for Dushanba, 1st April. Includes channels like 'УТВ 1', 'УТВ 2', and 'УТВ 3' with program titles and times.

ПАЙШАНБА, 1

Table with TV schedule for Dushanba, 1st April. Includes channels like 'УТВ 1', 'УТВ 2', and 'УТВ 3' with program titles and times.

ЖУМА, 2

Table with TV schedule for Dushanba, 2nd April. Includes channels like 'УТВ 1', 'УТВ 2', and 'УТВ 3' with program titles and times.

ЖУМА, 2

Table with TV schedule for Dushanba, 2nd April. Includes channels like 'УТВ 1', 'УТВ 2', and 'УТВ 3' with program titles and times.

ШАНБА, 3

Table with TV schedule for Dushanba, 3rd April. Includes channels like 'УТВ 1', 'УТВ 2', and 'УТВ 3' with program titles and times.

ШАНБА, 3

Table with TV schedule for Dushanba, 3rd April. Includes channels like 'УТВ 1', 'УТВ 2', and 'УТВ 3' with program titles and times.

ЯКШАНБА, 4

Table with TV schedule for Dushanba, 4th April. Includes channels like 'УТВ 1', 'УТВ 2', and 'УТВ 3' with program titles and times.

ЯКШАНБА, 4

Table with TV schedule for Dushanba, 4th April. Includes channels like 'УТВ 1', 'УТВ 2', and 'УТВ 3' with program titles and times.

Table with TV schedule for Dushanba, 29th March to April 4th. Includes channels like 'УТВ 1', 'УТВ 2', and 'УТВ 3' with program titles and times.

Table with TV schedule for Dushanba, 30th March. Includes channels like 'УТВ 1', 'УТВ 2', and 'УТВ 3' with program titles and times.

Table with TV schedule for Dushanba, 31st March. Includes channels like 'УТВ 1', 'УТВ 2', and 'УТВ 3' with program titles and times.

Table with TV schedule for Dushanba, 1st April. Includes channels like 'УТВ 1', 'УТВ 2', and 'УТВ 3' with program titles and times.

Table with TV schedule for Dushanba, 2nd April. Includes channels like 'УТВ 1', 'УТВ 2', and 'УТВ 3' with program titles and times.

Table with TV schedule for Dushanba, 3rd April. Includes channels like 'УТВ 1', 'УТВ 2', and 'УТВ 3' with program titles and times.

Table with TV schedule for Dushanba, 4th April. Includes channels like 'УТВ 1', 'УТВ 2', and 'УТВ 3' with program titles and times.



Иккинчи марта уйландан киши эрталаб туриб ўғлидан суради: — Қалай, сенга янги ойинг ёқдимки? — Сизни алдашибди, дада. У ҳечан янги эмас экан.

— Охириги марта сураман, шеригингиз ким? Сулдани: — Мени ким деб уйландисиз, укам судья. Наҳотики, ҳан оқнинг номини сотадиган аҳмоқ бўлсам...

Икки шифокор ўзаро суҳбатлашпти: — Умрингизда қилган ишингиздан ҳеч афсусланганимиз? — Ҳа, бир мартаба афсусланганман. У ҳам бўлса, бир миллионери оёққа тургизиб юборганимда.

— Неча ёшдасиз? — деб суради судья гувоҳдан. — 30 ёшданам, — жавоб берди у. — Яхши, яхши... Қачон тургансиз? —

Официант: — Хоним, нега эрингиз стол тагига беркиниб олди? — У эрим эмас. Эрим ашиқ олдида турибди.

Корхона директори қотибасини тиззасига олиб эркалаб ўтирдир. Кўпмаганда директорнинг хотини хонага кириб келди. Эри хотини олдида сир бериб берди: — Ҳўш, ҳўш... Қабулхонада стол йўқ дегн. Унда буйруқ ёзинг: «Қабулхонага тўртта стол керак. Имога».

Бир кишининг квартирасига ҳайвонот боғидан телефон қилишди: — Алло, алло! Сизнинг қабилонингиз ҳайвонот боғидан ховузга тушиб кетди. У ерда Африкадан келтирилган тимсоҳлар бор...

— Агар гапингиз рост бўлса, тимсоҳларингизни кўтариш ҳаракатини қилаверинг.

Эрининг олдида хотини скрипкада гамгин куй чаларди. Бундан эр сабротқати тоқ бўлиб деди: — Азизам, бас қилсангиз! Майли, эртага айтган нарсангизни бериб бераман.

Психиатр кўчада таниш бир аёлни учратиб қолди. — Эрингиз яхши юрибдими? — деб суради ундан. — Кечирасиз, мен ҳали турмушга чиқмадим. — Ие, бу қанақаси? Унда эрингиз халиям буйдоқ экан-да.

— Чиндан ҳам хомилдор экансизми? — деб суради она қизидан. — Ҳа, буни кеча шифокор қабулида бўлганда билдим. — Бирок, кимдан? — Шифокор бу ҳақда ҳеч нарса демади.

— Мени севасизми? — Шунчалик севаманки... — Сен учун жонини қурбон қиламан, демокҳисан, а?

— Йўқ, жонгинам. Менинг севгим абадий, у қурбон қилинмайди.

Шифокор бир бемор аёлни текширувдан ўтказди деди: — Мен сизга кўпроқ тоза ҳаводу киришни, соғуқ кунда эса иссиқ кийим кийишни тавсия қиламан.


Авл уйга келиб эрига тушунтирди: — Шифокор айтдики, ёзда қурқуқ денгиз бўйида дам олишни, қишда эса муйнали пустин кийиб юришни керак экан.

Савдидин САДИСЛОМОВ тайёрлади.



Товусдай товланган ўзбек кизларини Атлас либослари ял-ял товланар. Айниқса Наврўзнинг кутлуг онлари Кўларни яшнатар, дилни яйратар.

БОШҚОТИРМА



Рақамли хонадан кетма-кет «занжир» ҳолида:
1. Утмиш даврларда ҳукм сурган давлатнинг бош идораси. 2. Кишининг ўз обрўсини улуглаш ва ардоқлаш ҳис-туйғуси. 3. Шухратнинг «Олтин зангламас» романи қаҳрамони. 4. Ноз-неъмат етиштириш ривож топган ҳудуд. 5. Қурилган жаб-ри, ёмонлик учун интиқом, уч олиш. 6. Яратганнинг марҳаматига муносиб фаолият, эзгулик. 7. Томонларнинг шарт, муносабат, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган ҳужжат. 8. Ўзбек мумтоз, ғазалнавис шоири. 9. Муассаса ёки идоранинг маълум бир фаолият билан шугулланадиган қисми. 10. Ҳарбий, зобитлик унвони. 11. Қамария йил ҳисобида еттинчи ойнинг арабча номи. 12. Мустақил давлат рамзларидан бири. 13. Узининг ҳақлигини тасдиқлаш мақсадида айтилган масъул сўз. 14. Ўз соҳасининг маҳоратли устаси бўлган киши. 15. Ўзбек халқ рақс кўли. 16. Фаолият, иш-ҳаракатнинг салбий ва ижобий томонларини баҳолаш.
Энига: 19. Бир давлатнинг бошқа бир давлатга ёзган расмий мурожаатномаси. 20. Сайилларда ўтказиладиган миллий чавандозлик мусобақаси. 21. Афсонавий бахт қуши. 23. Математик ҳисобнинг бир тури.
Буйига: 17. Куч ўлчови бирлиги. 18. Ҳамдустликдаги республика пойтахти. 22. Бахт, ишнинг унгидан келиши. 23. Ҳаво қатламидан асосий қисмини ташкил этувчи модала.
МУАММОМА
Авал қуйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган сузларни топиб очқични ҳал этинг. 1. Мамлакатимизда вилоят, йирик шаҳарларнинг таркибий қисми бўлган маъмурий-ҳудудий бўлима — 5, 16, 15, 9, 12.
2. Мумтоз мутафаккир шоир Саъдий Шерозийнинг ноидар асари — 13, 14, 10, 5, 1, 12.
3. Баъзи Яқин Шарқ мамлакатларида пул бирлиги — 6, 2, 12, 1, 17.
4. Ҳиндистон ва Покистон давлатлари ҳудудидаги тарихий вилоят — 11, 9, 8, 15, 2, 17.
5. Кишиларнинг миллат шаклига келмасдан аввалги тарихий бирлиги — 7, 3, 9, 5.
6. Вақт ўлчов бирлиги — 4, 2, 3.
Энди очқич сузлари жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммомани ечинг. Ундан йуналиш бўйича ўқиш билан XVIII аср охири XIX аср бошларида яшаб ижод этган ўзбек мумтоз шоири ва тарихчиси Мунис Хоразмий, Шермухаммад Аваз ўғли қаламига мансуб икки мисра ҳикматли сўзни билиб оласиз.
Фозилжон ОРИПОВ.

ЎҒРИНИ ҚАРОҚЧИ УРМОҚЧИ ЭДИ...

Ўн қаром йўл билан мўмай пул топаман деб адои тамом бўлган жиноятчи унсулар хусусида

Россиянинг Ульянов вилоятида туғилган Андрей Филиппов гарчи Термизда яшаб турган бўлса-да, кўнглининг кўтир кўчасидан юриб, она-Ватанга қатнайдиган бўлиб қолди. Бунда унга «Соавто-Термиз» корхонасида яшаши, «МАЗ-54328» русумли автомашинани ижарага олганлиги қўл келди. Андрей ўзининг бу юк машинасига тижоратчиларнинг мева-чеваларию бошқа ҳар хил бозори чаққон «товар»ларини ортиб «Қаердасан менинг Россиям!» деб йўлга тушар ва тез орада кира ҳақи учун мўмай «соққа»ни олиб қайтиб келарди.

Андрей шу услубда Ўзбекистон бойликларини юртига ташйиверса ҳам ҳеч ким унинг мушугини «пишт» демади. Шу боис ҳам егани олдида, емгани ортида бўлди. Бироқ бу банднафсининг ўпқона айланган жигдилдони анча-мунчани кўрдим демасди. Ҳадеб нафси ҳақалак отавергач у янада улгуржи пул топиб, тагинда яхшироқ яшашни орзу қилиб қолди. Бир кунги ўз машинасига ёниги қуйиб турадиган АЁҚШ ёниги қуювчиси Баҳодир Гуломовга ёриди:
— Оғайналиқ, шу ерда ёниги қуйиб утиравериб зиримаясанми?
— Ие, бу нима деганинг? Ахир, ёниги қуйиш касбим, қолаверса тирикчиликим-ку!

— Тирикчилик эмас, тирикчилик, дегин!
— Йўғ-э, унақа дема! Тирикчилик...
— Унда уша «тирикчилигинг»га тирикчиликни қўшиб олиб бор. Шунда тирикчилигинг ҳам яхши бўлади!
— Хўш, нима демоқчисан?
— Узинг биласан. Мен Россияга қатнайман. У ердангилар ҳам бир килоси қоқ-қоп пул бўладиган нарсадан сурायлати. Агар топиб берсанг машинанинг бир бурчагиде кетаверарсан.
— Очироқ гапирсангки, нима экан у?
— Олий, героин, марихуана, наша, кўхнори... яна санайверайми?
— Топиш мендан сотиб келиш сендан, шундайми?
— Баракалла! Тушунган одамнинг садагаси кетсанг арзийди!

Баҳодир чор-тарофга югуриб, гиёҳванд модда излашаг тушди. Ҳамшаҳри, Ишчилар шаҳарчасидаги 11-уйда яшовчи таниши Баҳодир Ҳамидбоевнинг қўлига «дарди»ни айтиб шивирлаганди у:
— Ҳозир ўзимда бир грамм ҳам йўқ. Лекин хабар олиб тур, топиб бераман, — деди.
Гуломов адашига ишонди. Булажак мўмай фойдаланиш дарагини эшитган адашининг шу кундан бошлаб пайтавасига қурт тушди. Изгиб юриб «юбилей» бозорига шу иш билан шугулланувчи таниши Бозор Муҳаммадиновга руббар қилиб қолди:
— Оғайнижон, ҳалиги «қуруғи»дан топиб бер. Улгуржи харидор чиқиб қолди, — деб ёлворганди у ҳам «ўзида қолмаганини» лекин Музаффар Тангриқулловдан топириб беришини айтиди. Уз навбатда Тангриқуллов «товар» олиб келиб берди турадиган тожикистонлик таниши Шамсини топиб ва ундан ун килограмм «опий» сўради. Табиийки бунинг учун Шамсидан уз «доля»сини оладиган бўлди. У хотунчи ва харидорларни «София» ресторани олдида жойлашган автоловларни вақтинча сақлаш майдончасида учраштирадиган бўлди.

Белгиланган куни шу жойда Шамси Ҳамидбоев ва Муҳаммадиновни кутиб олди ва Тангриқулловнинг дуолигида ун килограмм «дори»ни 4.500 АҚШ долларига пуллади. Ҳамидбоев Муҳаммадиновга қилган хизмати учун 200 АҚШ долларини инъом қилиб, Гуломовнинг хузурига шошди. Улар «товар»дан тушадиган фойдалар оладиган унларларини келишиб олгач, Гуломов Андрейга уни тутқазди:
— Россияга етиб борганидан кейин телефон қилсан, мен етиб бораман, — деди. Андрей рози бўлди. Хизмат ҳақиға эса минг доллар сўради. Гуломов кунди.

Андрей ун килограмм опийни уз бошқарувидаги машина гилдиррагининг ичига яшириб, уни контрабанда йўли билан Тошкент вилоятидаги «Гишт кўприк» боғжона бекатидан олиб ўтиб кетди. Тольятти шаҳрига етгач эса келишувда мувофиқ Баҳодир Гуломовга сиз қоқди:
— «Товар»ни эсон-омон олиб келдик. Тез етиб кел!

Баҳодир Гуломов самолётда учиб етиб боргач, икковлон Александр исмли Русия фуқаросига ун килограмм «опий»ни бир минг долларга ўтказишди. Бироқ Александр «товар»ни олишга оладиган, «соққа»сини беришга қолганда гирромлик қилди:
— «Товар»инг бор-йўғи етти килограмм экан. 7.500 доллар бераман, ҳолос.

Мусофиларнинг қаршилиги бефойда эди. Ноилж бориға шуқур қилиб, берганини олишди. Орадан бир-икки кун ўтиб-ўтмай Александр икковлоннинг хузурига ташриф бурди:
— «Дори»ларинг зур экан. Худди шунақасидан яна топиб бероласизларми?
— Қанча керак?
— Қанча юз килограмм!
— О, бунча кўп «дори»га биз таваккал қилолмайми? Олдин «соққа»сини «чўзасан. Кейин бориб узинг олиб келасан!
— Майли, мен рози. Бироқ Ўзбекистоннинг чегарасидан узларинг ўтказиб берасанлар.
— Келишдик!

Томонлар бу оғзаки шартномани бир-бирларига қўл бериб тасдиқлашгач, узаро хайрлашди. Келишилган пайтда эса «Гишт кўприк» боғжона бекатидан ўчрашди. Александр Гуломовга 72 килограмм «опий» эвазига 42.000 АҚШ долларини тутқазди. Бундан бошлари, осмонга етган Гуломов билан Филипповлар ўпкаларини қўлтиқлаб Термизга жўнашди. «Дори» топишни Гуломов, уни Александрга етказиб беришни Филиппов уз зиммасига олади. Лекин Гуломов ҳар қанча уринмасин шунча кўп миқдордаги «дори»ни топилади. Бошқа иложи қолмагач 40 миң долларни Филипповга берди. 2 миң долларни эса бу имкониятдан фойдаланиб Александр Тольятти шаҳрида қилган гирромлик эвазига олиб қолди...
Бунақа ишларга устаси фаранг бўлиб кетган Филиппов офтобда бирга қаттиқ ичган танишларидан бири Жумабой Ажибаевдан 50 килограмм «опий»ни сотиб олди. Ажибоев эса шунча «товар»ни қўрқмай сотиб олган бу мижозининг юрагига қойил қилиб деди:
— Андрей, мен сенга яна 50 килограмм «опий» бераман. Уни Ўзбекистон чегарасидан Қозоғистонга ўтказиб берсан. Эвазига ундан 20 килограммдини олисан!

— Йўқ, бу кам, шунча «дори»ни чегарадан олиб ўтишининг ўзи бўлмайди. Яна минг доллар «қуруғи»дан ҳам чўзасан!
Жумабой рози бўлиб минг долларни чўзадиган бўлди. Филиппов эса юз килограмм «опий»ни ўзининг 01-17 ТСО давлат белгили «МАЗ-54323» русумли автоловуни прицепининг захирдаги ёниги бакига жойлаб, уни илҳак бўлиб кутайтган Александрнинг хузурига Ўзбекистон — Қозоғистон чегарасидаги «Гишт кўприк» боғжона бекатига қараб йўл олди.
«Гар гуноҳ қилсанг мабодо улгуржи қил» дегуви Филипповнинг бунақа «қимматбаху юк» билан кетайтганидан хабар толган термизлик О. Тошпулатов ва А. Бозоровлар Тошкент шаҳридаги танишлари ака-ука Комил ва Раҳмонберган Раҳмоновларга кўнғор қилиб, Филипповнинг гайриқонуний равишида олиб кетайтган «юк»дан хабардор эдилар ва йўлини қилиб, уни тортиб олишни сўрайдилар. Бу хабарни эшитган ака-укалар узаро маслаҳатлашиб, қатъий қарорга келишди. Термизга телефон қилиб Тошпулатов ва Бозоровлардан Филипповнинг машинаси давлат рақами ва русумини сўраб билиб олишди. Кейин Комил Раҳмонов укаси Раҳмонберди ва унинг тониши — Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ИИБси ЖБнинг тезкор ходими Комил Қурбонов билангалида Филипповнинг автоловини тутқатиб, ундан «опий»ни тортиб олиш режасини туздилар. Раҳмоновларга тегишли бўлган давлат белгиси 10 Г 1926 бўлган «Тико» русумли ва давлат белгиси 22 А 5150 бўлган «Мерседес» русумли машиналарда Термиздан Тошкентга қараб келайтган Филипповни кутиб олиш учун Янгийўл туманига қараб йўл оладилар ва Янгийўлдан Тошкентга кирвериш жойида «пистирма»да турадилар.

Нижоят Филипповнинг машинаси келади. «Қароқчи»лар уни тутқатиб:
— Биз милиция ходимларимиз. Машинада юз килограмм «опий» борлигини биламиз. Яхшиликча биз билан юр. Келишамиз. Ақсинча қўлигга кишан тушади, — дейишди.

Филиппов тақдирга тана бериб, уларнинг айтганини бажо қилди. Улар машиналарини пойтахтдаги «Галабинанг 40 йиллиги» мавзесида жойлашган автоловларни сақлаш жойига боргач тутқатишди. Милциячи нибкибадига товламачилар Филипповнинг юк машинаси ёниги бакидан 92 килограмм «опий»ни олиб Комил Раҳмоновга тегишли «Дамас» русумли 10 Т 1921 давлат белгиси ечиб қўйилган машинага солиб қўйишди. Кейин эса бу юкни Раҳмонбердиёнинг Зангюта тумани «Мустақиллик» жамоа ҳўжалиги Олмос қучасидаги 26-уйга олиб бориб, яшириб қўйишди.

Шу билан «иш битди, гулдор гуп» деган Қурбонов ва ака-ука Раҳмоновлар Филипповни холи қўйиб узларни жуфтани ростилайдилар. Бу билан улар угрини урган қароқчининг ишини қилдик, деб гердайиб юрверишини. Энди гапни «таланган» Филипповдан эшитинг.

У қароқчиларнинг қузини шамгалат қилиб машинасидаги «опий»дан 8 килограмминин яшириб қолган эди. Бориға барака дея «қароқчи»лар чангалидан эсон-омон қутулганига шуқур қилиб Александр билан учрашадиган жойга қараб йўл олди. Бироқ Қипчоқ қучасидан ўтаётганида уни ДАН ходимлари — А. Ҳасанов ва М. Усмонов тутқатиб қолишди. Бу ҳақда Ҳасанов шундай дейди:
— Биз Қипчоқ қучасида навбатчилик хизматини давом эттирайтганид. Соат тахминан 08 ларда давлат белгиси 01—17 ТСО бўлган «МАЗ 54323» русумли машина ўтиб қолди. Хайдовчининг ҳатти-ҳаракатларидан шубҳаланиб ҳўжатларини текшира бошладик. Хайдовчи эса худди маст одамга ўхшарди. Лекин оғзидан ичкиликнинг ҳиди келмасди. Шунда унга:
— Қани, юкюкани очинг-чи, бори текшириб қуй-

лик, — десак, у негадир ҳаяжонланиб, саросимага тушиб:
— Оғайнилар, шу ишни қўя қўйинлар. Эвазига 700 АҚШ доллари бераман, — деса буладими, томдан тараша тушгандек қилиб.
Гумоним баттар ошди. Уни машинаси билан Сирғали туман ИИБга олиб бордик. Мутахассислар ва холислар иштирокида машина «тинтув» қилинганда автоловнинг чап томондаги юкюкундан 8 килограмм гиёҳвандлик моддаси чиқди ва бу ҳақда ҳўжатлар расмийлаштирилди.

Филиппов қўлга олинди ва у орқали мазкур нарқобизнесчилар гуруҳининг бошқа аъзолари ҳам аниқланаверди. Шунингдек, Комил Раҳмоновнинг уйдан сотиш учун тайёрлаб қўйилган 10 та цапафан халталарга солинган жами 20 грамм «опий», Б. Ҳамидбоевнинг шимининг «чунтагидан 16,650 грамм «героин», Б. Муҳаммадиновнинг мехмонхонасидаги чойнакнинг ичидан 0,28 грамм «героин», Б. Гуломовнинг уйдан 2 граммдан зиёд «опий» топилиди ва шу далилий ашёлар билан улар ҳам ҳибсга олинди.

Лекин бу нарқобизнесчиларга қўшилиб, юзтабан кетган Комил Қурбоновнинг қилмишлари ҳар қандай кишини ҳам газаблантириб, сочларини тикка қилиб юборди. Негаки бу ношуд Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ИИБ ЖБДА тезкор вакил лавозимда, катта лейтенант унвонига ишлаб туриб жиноятчиликка қарши курашишдек шарафли вазифасини бажариш урнига жуда кўп миқдордаги нарқотик моддани гуруҳ бўлиб, ўзлаштиришдек жиноят ишида қатнашгани етмаганидек, фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ҳам жиддий зийн етказиб, содир этилган жиноятни сохта очиб ишга ҳам қўл урган. У. О. Шерматовга нисбатан қўйилган талончилик жиноятини С. Мамаедовнинг буйига қўйиб ва бунга уни иқдор қилиш мақсадида уни Ҳамза туманидаги ИИБдаги уз хизмат хонасига олиб келади. Бироқ Мамаедов бу талончилик жиноятга алоқаси йўқлигини айтиди. Шунда Қурбонов мансаб ваколати доирасидан четга чиқиб Мамаедовни мазкур талончиликка қўл урганликка иқдор бўлишга мажбурлаш мақсадида, уни қўли билан бошига ва кўкрак қисмига бир неча марта уради ва ушланган жиноятчиларни сақлаш хонасида ноқонуний ушлаб туради.

Бу ҳам етмаганидек у Мамаедовни уз хизмат хонасида ҳеч бир асосиз яна уз кун ушлаб туради. «Айби»га иқдор эйтириш мақсадида уриб қийнади. Ҳатто енгил тан жароҳати етказди. Мамаедовнинг оила аъзолари уни Қурбонов нотуриги ушлаб турганини ҳақида ариза билан мурожаат қилганлардан кейингина жабрланувчини қўйиб юборишга мажбур бўлади. У ўзининг бу ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 206-моддаси 2-қисми «в» бандида қайд этилган жиноятни содир этади.

Бехитёр ушлаб қоласан, киши. Эндигина 28 ёшта тулган бу катта лейтенантга нима етишмасди?! Тўппа-тузуқ оиласи, бир нафар фарзанди бор эди. Лавозимига яраша дурустгина машо ҳам бор эди. Агар ҳалол ишлаб, бурчига садоқат қўрсатса истиқболни тақинда порлоқ эди. Лекин минг афсуски, у тегиб бойликка хирс қўйиб, уз келажини барбод қилди.

Шунингдек, нарқобизнес шайдолари хайдовчи Андрей Филипповнинг 2, ёниги қуювчи Баҳодир Гуломовнинг 4, олий маълумотли педагог Комил Раҳмоновнинг 6, вақтинча ишламай юрган Баҳодир Ҳамидбоевнинг 2, экспедитор Бозор Муҳаммадиновнинг 4, савдо базасида оморчи Музаффар Тангриқулловнинг 4 нафар фарзандлари, табиийки турмуш урқоқлари, бинойий едил оилалари бор эди. Нахотки улар эл-юрт аро обрўлари тўқилиб, юзлари шувит, авлрлари бевазо фарзандлари тирик етим бўлишдан қўчима, шудқод жирқанч, турган-битгани гуноҳ-азим бўлган жиноятга қўл урдилар? Инсон ҳар бир ишга қўл урар экан, унинг фақат уз кутганча фойдасинигина эмас, зарарию оқибатини ҳам чуқур ўйлаб қуриши лозим эмасми?

Мана энди нима бўлди? Юқорида биз қилмишларини баён этган жиноятчиларнинг ҳаммалари суднинг қора курсисига ўтқазилдилар. Одил суд уларнинг ҳар бирига қилмишига яраша амалдаги қонунларимизга мувофиқ жазо берди. Андрей Филиппов, Баҳодир Гуломов, Комил Раҳмонов, Комил Қурбоновларнинг ҳар бири 20 йилданга, Баҳодир Ҳамидбоев 18 йилга, Бозор Муҳаммадинов ва Музаффар Тангриқуллов 16 йилга озодликдан маҳрум этилдилар. Улар энди шунча узоқ йиллик жазо муздати каттиқ тартибдаги ахлоқ тузатиш муассасасида ўтайдилар. Боз устига мол-мулклари ҳам давлат фойдасига мударра этилди.

Ору номуси, дину диньнати бор инсон учун бундан ортиқ шармандалик борми? Агар улар бориға қаноат қилиб, бунақа гуноҳ ишларга ружу қўймай, хайрли ишларга қўл урсалар шу куйга тулармидилар? Йўқ, албатта. Бас шундай экан, қовоқ каллаларини ишлабтиб, оқибати бахайр бўладиган ишлар билан пул топиб, бола-чақа боқсалар, оила тебратсалар бўлмасинди? Буларди! Давлатимиз турти, қонуний йўл билан бойлик ортириш учун ҳамма йўллари очиб, имкониятларини яратиб қўйибди. Шундай экан, ҳалол ишлаб, ҳалол яшайлик, азизлар. Ҳаром йўл билан пул топаман деган ҳеч қайси одамнинг қосаси оқармаган.

Бахтиёр ТҲОЙЖОНОВ, Тошкент шаҳар судининг расми. Мурод КАЛОНХОН, «Адолат»нинг махсус муҳбири.

СПОРТ

Чемпионлар лигасининг «Динамо» (Киев) — «Реал» (Мадрид) учрашуви Европанинг бир қанча давлатларида турлича қабул қилинди. Испан шарҳловчилари табиийки бу ўйинда ҳамюртларини тамом танқид ўчоғида ёқиб, асосий айбни эса жамоа мураббийси Жон Тоскача ағдариб қўйишди. Италия матбуоти ўйин шарҳидан кўра, учрашув қаҳрамони Андрей Шевченкони мадҳ этиб билан овора. «Ла Газета де ла спорта» газетаси «Реал» юлдузлари Киевда «Шарқ Роналдоси» томонидан парчаланишди» деган сўзларни ҳам ёзишга жазм этди. Шарҳ сўнгида эса мазкур мулоҳазалар бор: «Уйин тақдирини биргина Шевченко ҳал этди, аммо бутун жамоа галаба қозонди. Лобановский хиссаси борлигини таъкидлаётганига ишонманг. Чунки Андрейсиз «полковник» Лобановский яримфиналға чиқа олмасди».
Чемпионлар лигаси голибларида галати одат бор. Мана ўзингиз қаранг: 1993/94 йилги мавсум голиби — «Милан» жамоаси кейинги мавсум финалда «Аякс»га 0:1 ҳисобида мағлубиятга учради. Амстердамликлар ҳам аянага мувофиқ 96-йилги финал кунин «Ювентус»га енгилди. Италия суперклуби ҳам икки йил бурун «марра таёқчаси»ни финалда Дортмунднинг «Боруссия» клубига «тутқазди» (1:3). «Боруссия» клуби гарчи аянага қўра, ўтган йил голибига енгилган бўлса-да, финалға етиб бориш аяна-насини бузди. «Реал» ўтган йили Дортмундликларни яримфи-

налдаёқ тўхтатиб, финалда «Ювентус»ни мағлуб қилганди. Энди «яримфинал аянаси» давом этади, деб турганимизда, мадридликлар бу йили ҳатто яримфиналға ҳам етиб боришмади. Бу аяна бузилгандир, аммо собиқ голибни бўлажак голиб енгил аянасини ҳозирча ўзини оқламади. Хўш, эндиги навбат Лобановскийгами???

Барча муаммо а ташвишлар уқонига шунинг, уларни енгил чикасиз. Айни пайтда йирик ишларни амалга оширишга интилинг. Ҳафта ишингизга барака олиб келади. Фақат фарзандларингиз билан булган муносабатларда сабр-тоқат талаб қилинади.
Барча муаммо а ташвишлар уқонига шунинг, уларни енгил чикасиз. Айни пайтда йирик ишларни амалга оширишга интилинг. Ҳафта ишингизга барака олиб келади. Фақат фарзандларингиз билан булган муносабатларда сабр-тоқат талаб қилинади.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАХМУДОВ, Улғубек ДОНИБЕРОВ, Анвар ЖҲРАБОВ, Акмал ҚОСИМОВ, Тўхтамурод ЖҲРАБОВ, Рустам АХМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Акбархўжа РАҲИМОВ, Каримжон РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Равшан ХАЙДАРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Қодиржон СОБИРОВ (бўлим мудири), Мурод КАЛОНХОНОВ (масъул котиб).

Мўлоқот учун телефонлар: Қабулхона — 133-41-89. Котибият — 136-55-64. Эълонлар бўлими: 136-55-96. Набатчи — Саъиддин САЙДИСЛОМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Буюртма Ғ— 0212, ҳажми—2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Газета ИВМ компьютерида терилди. Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, Корхона маъноси: «Ўзбек Тўри» кўчаси, 41. Босмага топшириш вақти — 21.00. Босмага топширишда 20.00. МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.

АДОЛАТ. Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёси Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси. ХОМИИ: Ўзбекистон Республикаси «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти.